



## БЕШКЕНТ ЭГЕКЛИГИНИНГ ГЕОЛОГИК ВА ТЕКТНИК РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТУЗИЛМАЛАРНИ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Ахмедов Холхўжа Рахматуллаевич<sup>1</sup>,

Комилов Ботир Асқар ўғли<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси” кафедраси катта ўқитувчиси, <sup>2</sup> Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси” кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6569138>

### ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 01 май 2022 г.

Утверждено: 10 май 2022 г.

Опубликовано: 14 май 2022 г.

### КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Амударья, Бешкентски  
прогибе, меловых  
отложения,  
нефтегазоносность,  
мезозой, палеоген,  
ступен, синеклиза,  
флексурно-разрывные  
зоны,  
осатканакпления,  
тектонические  
элементе.

### АННОТАЦИЯ

В статью приведен данный о формирований и развитие тектонической элементе которые контролируют нефтегазоносность Бешкентской прогиб.

Разрывные нарушения широко развиты в Бухоро-Хивинской нефтегазоносной области, в частности, в Бешкентском прогибе. По границам впадин и горных поднятий развиваются флексурно-разрывные зоны. Значительную роль в этом процессе играют разрывные нарушения юго-западного направления.

Бухоро-Хива нефтгазли области Амударё синеклизасининг шимолий бортида жойлашган. Унинг нефтгазлилиги палеозой фундаменти устида номувофиқ ётган чўкинди қопламанингюра ва бўр ётқизиқлари билан боғлиқ. Мезозой ётқизиқлари учун бра, бўр ва палеоген ётқизиқлари тоғ жинсларининг нисбатан сокин шароитда ётганлиги билан характерланиб, Амударё хавзаси чўкинди тўпламининг қадимий қирғоқ бўйидан марказига қараб уларнинг қалинлиги ортиб боради, қатламлар анча барқарор [4].

Бухоро-Хива ботиқлигининг чўкинди қопламаси тектоник тузилмаларининг шакилланишида дизъюнктив дислокация серияси фундаментининг тақсимланиш етакчи аҳамият касб этади. Фундамент шимолдан жанубга ботиб борган бўлиб, антиклинал эгеклган қатлам-тутқиқлари тарқалган.

Бухоро-Хива нефтгазли областида антиклинал бурмаларнинг тектоникаси ва шакилланиш шароити бўйича маълумотлар А.Г.Бабаев, Т.Л.Бабаджанов, Ш.Д. Давлятов, Г.Х. Дикенштейн, Я.М. Зорькина, Б.А. Петрушеви, В.И. Попов, О.А. Рыжков,



Б.Б. Таль-Вирски, П.И. Тельнов ва бошқа олимларнинг ишлоарига ёритилган [1].

Бухоро-Хива нефтгазли областда шу жумладан Бешкент эгеклигида узилмали бузилишлар кенг ривожланган бўлиб, бу узилмалар чўкинди қопламада тузилмани ҳосил бўлишининг шакилланиш вақти, ривожланиш тарихи, масофаси, фазовийлиги миқёси ва аҳамияти бўйича иккита катта груҳга бўлинади: регионнинг герцин босқичи ривожланишида шакилланган узилмалар ва тектоник ҳаракатларнинг альпий фазасида ҳосил бўлган узилмалар. Қизилқумолди, Бухоро ва Амударё каби асосий узилмалар Бухоро ва Чоржу поғоналаридаги II тартибли тектоник элементларнинг ҳосил бўлишини таъминлаган ва Бухоро-Хива нефтгазли област сифатида ажралган [3]. Фундаментнинг ҳар бир поғонасидан кўндаланг узилмалар билан блокларга ёриб чиққан бўлиб, ташламалий жойларида бухора ва чоржу поғоналарининг алоҳида йирик кўтарилмаларга ажратиб турувчи эгекликлар ҳосил бўлган. Чоржи поғонасининг жанубий-шарқий қисмида асосан Бешкент эгеклиги жойлашган худудда кўп конлар УВ уюмларининг тектоник-экранлашган тутқичларида мужасамланган.

Узилмалар оралиғида тугаган блокларнинг тор чегараланиши, жанубий-ғарбий йўналишга ботиб бориб юқори юра карбонат ётқизиқларининг ётиш чуқурлиги ортиб борган. Ботиқлик ва тоғ кўтарилмалари чегараси бўйича флексура-узилмали зоналар ривожланган. Бу жараёнда жанубий-

ғарбий йўналишдаги узилмалий бузилишлар аҳамиятли таъсир қилган. Бешкент эгеклигини платформали тузилма сифатида биринчи бўлиб, 1962 йилда Таль-Вирски Б.Б. ажратган. Бундан кейин Бешкент эгеклигининг геологик тузилишини Г.С. Абдуллаев, А.А. Абидов, А.М. Акрамходжаев, А.Г. Бабаев, Ш.Д. Давлятов, Т.Д. Мамадалиев, А.Х. Нугманов, В.В. Рубо, Б.Б.Ситдиқов, ва бошқалар томонидан ўрганилган [4].

Амударё ботиқлигининг жанубий-шарқий чеккасида Бешкент эгеклиги ажратилган бўлиб, бу эгеклик шимолий-шарқий фазода бир қатор валлар билан мураккаблашга (Гирсан, қамаш-Бешкент, Шўртан ва б.).

Бешкент эгеклиги Чоржу поғонасининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. У шимолда Учбош-Қарши, жанубда Амударё, шарқда Караиль, Лянгар флексура-узилмали зоналар билан чегараланган. Бешкент эгеклиги худудида бешта Шакарбулоқ, Аляутдин, Айзават ва Топилма-Хилол валлари ажратилган. Бешкент эгеклигининг шарқий қисми туз ости ётқизиқлари бўйича Ҳисор тизмасининг Жанубий-Ғарбий бўлагининг ғарбий қисмидан кам фарқланади ва чизиқли бўр-палеоген бурмаларининг яққол намаёнланиши унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу ерда маҳалий туз ости антиклиналлари ривожланиши брахи бурма ҳисобланади, кичик ўлчамга эга ва изометрик нотекис ёки энига нисбатан узунроқ бўлган чўзилган шакилга эга (Ғармистон, Бузахур, Шарқий Бўзахўр, Шимолий Ғузор, Шимолий Шўртан ва б.) [2]. Регионнинг туз ости антиклиналлари кўпчилиги



бурғулаш ишлари сейсморазведка тадқиқотлари натижасида яхши ўрганилган, шунингдек ўзида брахибурмани намаёнлайди, Гумбулок, Джаркудук туз ости тузилмалари кўп гумбазли ҳисобланиб, ҳар бир гумбазни локал брахиантиклиналь сифатида қараш мумкин. Чўкинди қопламада иккита тузилмали ярус ажратилади: булар бир бирига бурчак номувофиқлик билан ётган бўр ва юра тузилмали яруслари. Фундамент ва чўкинди қоплама оралиғида энг чуқур ювилганлик мавжуд. Бу конфигурация таъсирида локаль бурмаларнинг ўлчами баъзида фазовий ҳолати чуқурлик ортиши билан аҳамиятли даражада ўзгаради, гумбазларни силжиши, қатламнинг ётиш бурчагини ортиши ва ш.к. кузатилади. Бешкент эгеклиги ўзининг ўлчами (60 x 120 км) ва тузилишининг мураккаблиги бўйича Бухоро-Хива нефтгазли областининг бошқа манфий тузилмаларига нисбатан аҳамиятли бўлиб, Бухоро ва чоржу поғоналарини мураккаблаштиради. Бешкент эгеклигининг шимолий чегараси Учбош-Қарши флексура-узилмали зонани намаёнлайди. Бу зона 400 км чўзилган бўлиб, Бешкент эгеклиган шимолда сиқилиш зонаси билан тавсифланади, бу Косонтау, Кунгуртау, Чим ва б. мураккаб тузилган бурмаларда сурилма дислокацияларга гувоҳлик беради. Учбош-Қарши флексура-узилмали зона ўтқир бурчак остида Караиль-Лянгар флексура-узилмали зона билан туташган бўлиб, Бешкент платформа эгеклигини

Қашқадарё синороген тоғ олди эгеклигидан ажратиб туради ва эгекликнинг шимолида қуйи-ўрта юра ётқизиқларининг қалинлиги 0 дан 250 метргача ўсади, марказий қисмида эса 1000 метрдан юқори. Юқори юра карбонат ётқизиқлари ўзгармайди, флексура-узилмали зонанинг ҳар иккала томонида ҳам қалинлиги ўзгаришсиз бир хил қолади. Юқори юра туз формациясининг қалинлиги кескин ортади. Караиль-Лянгар флексура-узилмали зона Бешкент эгеклигини шарқдан чегаралайди ва тарқалиши бўйича бир хил бўлган узилмалар системасини намаёнлайди. Унинг тарқалиши меридианальга яқин, унинг таркибини ташкил қилган узилмалар тарқалишидан фарқ қилади. Сейсморазведка кесимида бурмача асос устида ётган, эҳтимол триас ва юра ёш комплекслари жинсларининг яхлит номувофиқлигини ташкил қилган қирқимнинг қуйи-мезозой қисмида кўп сонли клиноформлар кузатилади. Помук антиклинали эгекликнинг янги тектоник босқичи шакилланиши ҳақида гувоҳлик беради. Эгекликнинг жанубий-ғарбий чегараси Амударё флексура-узилмали зонаси бўйича ўтган. Бешкент эгеклиги худудида Топилма-Хилол узилмаолди вали, Айзоват, Қамаш, Аляудин, Шакарбулоқ валлари; Нишон, Қаратеп, Шўртан ва Ғузор кўтарилмалари; Қумтепа ва Илим седловиналари, шунингдек, Джейнау, Кўғнафазли, Бўзтепа, Қумчук, Тармоқ, Айкотан, Қарабаир ва Жайрон каби синклиналлар яққол намаёнланган.

## Литературы:

1. Атлас месторождений нефти и газа Узбекистана.



2. Бабаев А.Г. Геотектоническая история Западного Узбекистана и региональные закономерности размещения скоплений нефти и газа. Л., Недра, 1966г.
3. Боикобилов Ибрагим Тошпулатович «Геологическое строение и нефтегазоносность терригенной формации юры Бешкентского и Кашкадарьинского прогибов» Автореферат.
4. Сафонова Людмила Николаевна «Критерии поисков тектонически-экранированных нефтегазоносных ловушек в северо-восточной части Бешкентского прогиба по материалам сейсморазведки» Автореферат Ташкент–2011.
5. «Проекта поисков месторождений (залежей) нефти и газа на площади Ойнакуль».
6. Проект месторождения Шуртан (2013 г).